МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✸ 2013 йил 20 апрель. Шанба №33 (893) ✸ www.mahallagzt.uz ✸ info@mahallagzt.uz

МАҲАЛЛА: БУГУН ВА ЭРТАГА

## ЎЗГАРИШ ВА ЮКСАЛИШГА ЮЗ ТУТГАН

**Бугунги кунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш долзарб вазифалар сирасидандир. Жойларда ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳал этилиб, ҳудудлардаги маънавий барқарорлик таъминланаётгани, айрим тўсиқларни енгишда ички имкониятлардан унумли фойдаланилиб, аҳолини эзгу мақсадлар йўлида жипслаштираётгани мазкур ноёб тузилманинг беқиёс таъсир кучига эга эканини намоён этаётир.**




Айни пайтда республикамиз туман ва шаҳарларида намунали фуқаролар йиғинларини шакллантириш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий тузилмалари намунали фуқаролар йиғинларида тўпланган бой тажрибаларни оммалаштириш мақсадида кўргазмали семинарлар, учрашувлар ташкил этиб, ушбу жараёнда фаоллик кўрсатмоқда, ибратли йиғинлар сонининг ортишига ҳисса қўшмоқда.

Янгийўл туманидаги «Қирсадақ» маҳалласини пойтахт вилоятининг мингдан зиёд маҳаллалари орасида энг намунали йиғинга айлантириш учун маҳалла фаоллари кенг қамровли ишлар режасини тузиб, шу асосда фаолият юритишаётгани ҳаётбахш самаралар туҳфа этаётир. 867 та оиланинг тўрт минг нафарга яқин аъзосини бирлаштирган масканда етти миллат вакили тинч-тотув яшаб келяпти. Жонажон маҳаллани ободонлаштириш, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал этишга астойдил бел боғлаган қирсадақликлар ҳудуд инфратузилмаси, йўл коммуникациясини янгилаш, уй-жойларни таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш, ёрдамга муҳтожларни ижтимоий қўллаб-қувватлашдек вазифаларни бир ёқадан бош чиқариб адо этишмоқда.

> [2]

ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ БОР

## САВОБ ИШНИНГ САЛМОҒИ

**Савобли амаллар кишиларни саодатга, эл-юртни тараққиётга бошлайди. Урганчлик Фароғат Саъдуллаева ҳам умри давомида бу ақидага амал қилиб, эл дуосини олиб келаётганлардан.**



Яқинда у вилоятдаги 96-сон ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатида жисмоний имконияти чекланган қизларнинг ҳунар эгаллашлари учун яна бир савобли амални йўлга қўйганини эшитгач, Урганч томон ошиқдик.

Республика «Ҳунарманд» уюшмасининг аъзоси, миллий услубдаги либос, кўрпа, ёймалари билан жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ташкил этилган кўргазмаларнинг фаол иштирокчиси Фароғат Саъдуллаеванинг асл касби ўқитувчилик. Чеварлик эса унга momoмерос ҳунар.

Ташаббус, янгиликка интилиш каби фазилатлар соҳибасини истиқлолдан сўнг ҳунар эгаларига яратилган шарт-шароит, тадбиркорлар учун қулай сармоявий муҳит, солиқдаги имтиёзлар беҳад руҳлантирди. Қўрқмасдан катта иш бошлаб, тикувчиликнинг турли йўналишларида элга хизматини тақдим эта бошлади. Урф-одатларимиз, миллий қадриятлар ва анъаналарни ривожлантириш мақсадида опа қадимий услубдаги Хоразм ёймаси, кўрпа турлари, миллий либосларни қўлда тикишни қайта тиклади.

> [3]

ЭЪТИРОФ

## ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР ҲАВАС ВА ҲАЙРАТНИ УЙҒОТДИ




**Мустақил тараққиёт йўлининг ҳар бир довони юртдошларимиз ҳаётида улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари билан тарих зарварақларига муҳрланмоқда.**

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қишлоқларда шаҳардагидан қолишмайдиган шарт-шароит ва қулайликларга эга намунавий уй-жойларни қуриш ҳамда қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис, чекка қишлоқларда замонавий, кўркам ва шинам турар-жойлар барпо этилмоқда.

Буни жорий йилнинг 16-17 апрель кунлари мамлакатимизда «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференцияга қатнашган хорижлик меҳмонлар, эксперт ва мутахассислар ҳам кенг эътироф этишди.

**Гаспар Ж.Льянес Диас САЛАЗАР (Испания):**

— Тошкент вилоятининг Паркент тумани «Гулбоғ» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, Ўзбекистонда нафақат шаҳарларни, балки чекка ҳудудларни ҳам ободонлаштириш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш, инфратузилмани такомиллаштириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасидаги ишлар билан яқиндан танишдим. Таъкидлаш жоизки, юртингизда барча имкониятга эга якка тартибдаги ана шундай уйларнинг 15 йил муддатга кредитга берилаётгани таҳсинга сазовор.

> [2]

ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

## БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

**Қибрай туманидаги Салор шаҳарча фуқаролар йиғини пойтахтнинг Юнусобод туманига ёндош. Бир қарашда уни шаҳар маҳаллаларидан фарқлаш қийин. Негаки мазкур йиғин нафақат Тошкент вилояти, балки мамлакатимиздаги саноати ривожланган ҳудудлардан.**

Бу ерда «Тошкент ИЭС», «Интер Роҳат» ОАЖ, «Имкон плюс», «Arge fashion», «БайТекс» МЧЖ, «Янги Тошкент консерва» каби йирик саноат корхоналари, қурилиш материаллари заводлари, жами 300 дан зиёд тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатади. Аҳолининг турмуш тарзи фаровон, бандлик масаласида муаммо йўқ.

Ўттиз минг нафардан зиёд киши истиқомат қиладиган йиғинда 5 та мактаб, битта гимназия, битта академик лицей, 2 та касб-ҳунар коллежи, битта университет жойлашган. Шундай тўкис шароитда ҳам болалар тарбияси, уларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишига қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳар доим долзарб. Ўтган йилнинг июль ойидан бошлаб Салор шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудидаги 13 та маҳалланинг барчасида «Ота-оналар университети» фаолияти йўлга қўйилди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг «Ота-оналар университети» низомида «Ота-оналар университетлари» — ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишга қаратилган жамоатчилик маскани экани белгилаб қўйилган.

> [4]



## ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

*Президентимиз жорий йилнинг 15 март куни Оқсаройда ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида таъкидлаганидек, ўз фарзандларининг жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан етук бўлиб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини энг устувор, энг олий мақсад, деб билган мамлакат ва халқгина юксак тараққиётга эриша олади. Спорт эса, баркамол авлодни тарбиялашдаги энг муҳим воситалардан бири. Ўғил-қизлар орасида жисмоний тарбия машғулотларини янада оммалаштириш, истеъдодлиларини танлаб олиш борасида Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик.*

*Биргина ўтган йили 12 та иншоот фойдаланишга топширилган бўлса, шундан 2 таси болалар спорти объекти, 4 таси сузиш ҳавзаси, 6 таси эса болалар мусиқа ва санъат мактабларидир. Шунингдек, 2012 йилда 70 га яқин болалар майдончалари қурилди ва пойтахтдаги майдончаларнинг умумий сони бир минг тўққиз юзтага яқинлашди. Манзилли дастурга асосан, жорий йилда ушбу мақсадларга 5700 млн. сўм ҳомийлик ёрдами йўналтирилади. Йил давомида 10 та объект қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Ушбу иншоотларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш ҳам эътиборда. Бугунги кунга қадар Тошкент шаҳридаги спорт ва таълим муассасаларига 102,5 млн. сўмлик спорт жиҳозлари ажратилган.*

*Жорий йилда пойтахтимизда ташкил этилган 85 та мусобақада 60 минг нафарга яқин ёш иштирок этди. Қувонарлиси, уларнинг 25 минг нафардан ортиғи қизлардан иборат.*

*Ўсиб келаётган ёш авлодни, айниқса, қизларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенгроқ жалб этиш борасида оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг масъулиятини ошириш мақсадида пойтахтимизда Мустаҳкам оила йилида мингга яқин йиғилиш ўтказилди. Уларда йиғин фаоллари, таълим муассасалари ходимлари ҳамда ота-оналар ва ёшларнинг иштироки таъминланди.*

*Шунингдек, «Футболимиз келажаги», «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз», «Ўзбек жанг санъати» номли мусобақаларда пойтахтликлар муносиб қатнашди. Эътиборга молик жиҳати, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 422264 нафар ўқувчиси ўртасида 844 та сўровнома ўтказилди. Таҳлилларига кўра, қизларнинг кўпроқ гимнастика, шахмат-шашка, енгил атлетика, стол тенниси, кураш, волейбол, каратэ, таэквондо каби спорт турларига қизиқишлари юқорилиги аниқланди.*

*Шуларни инобатга олиб, фуқаролар йиғинлари ҳудудларидаги спорт иншоотларида 200 та гимнастика, 100 дан ортиқ шахмат-шашка, 107 та енгил атлетика, 103 та стол тенниси, 133 та кураш, 108 та волейбол, 132 та каратэ ва таэквондо, 1860 та бошқа турдаги спорт турлари бўйича тўгаракларни ташкил этишда кўмаклашилди.*

*Жойлардаги 478 та спорт иншоотида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилиб, уларга 393481 нафар ёш, хусусан, 188639 нафар қиз жалб этилди. Бир сўз билан айтганда, ёшлар қалбидаги спортга бўлган иштиёқни янада юксалтириш, уларнинг ўз имкониятларини юзага чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.*

Наврўз МУСАЕВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви бош мутахассиси.

МАСЛАҲАТЧИНИНГ ХОНАДОНГА ТАШРИФИ

## Ҳар бир бола эътиборда



Орзигул опа учун йиғин ҳудудида ортиқча юмушнинг ўзи йўқ. Маҳаллада соғлом турмуш тарзи, барқарор маънавий муҳит, хотин-қизлар репродуктив саломатлигини асраш борасидаги тарғибот ишлари опани ҳеч ҳам чарчатмайди. Ёшлар ва ўсмирлар тарбияси, уларнинг ўй-фикрларидан эса у доимо бохабар.

Маслаҳатчи одатига кўра, ҳудуддаги мактабда юқори синф ўқувчилари билан учрашув ўтказаётиб, бўш турган партага разм солди. Тадбир тугагач эса, ўша жойда ўтирадиган боланинг икки-уч кундан буён дарсга қатнамаётганини билди.

— Аслида у ҳар куни дарсларга келаётганди, — деди ўқитувчи. — Аммо икки-уч соатдан сўнг кетиб қоляпти. Чақириб гаплашиб ҳам кўрдик, таъсир қилмади. Ўзлаштириши ҳам бинойидек эди.

> [2]

ҲАМКОРЛИК

## ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТГА ЭЪТИБОР КАТТА

**Мамлакатимизда фаолият юритаётган кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари, турли касб эгалари қишлоқ ва шаҳарларимизни янада обод қилиш учун астойдил интилмоқдалар. Бу жараёнда нафақат турар-жойлар чирой очмоқда, балки одамлар ўртасида меҳр-оқибат, бағрикенглик, биродарлик каби инсоний фазилатлар ҳам мустаҳкамланмоқда.**

Бугунги кунда юртимизда фуқароларнинг ижтимоий масъулиятига катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда «Ўзбекистон Ижтимоий масъулиятли фуқаролари Форуми» ўз атрофига бир неча ташкилотни, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳам жамлаганки, натижада аҳоли орасида ўзаро ишонч, мустаҳкам ҳамкорлик ва тажриба алмашиш тобора кучайиб бормоқда.

— «Ўзбекистон Ижтимоий масъулиятли фуқаролари Форуми» ҳамкор ташкилотлар билан бирга «Ўзбекистон — менинг уйим», деб номланган ободонлаштириш ойлигини ўтказди, — дейди Форум мутахассиси Дилдора Маҳкамова. — Ушбу тадбир доирасида «Ойдин кўчалар», «Қариялар — эъзозда», «Ҳар кишидан бир кўчат» акциялари ҳам ўтказилди.

Бундай ободонлаштириш кунларида мамлакатимиздаги барча масканлар қамраб олинди. Жумладан, Жиззах вилоятида «Ойдин кўчалар» акцияси остида ўтказилган тадбирда Форумнинг вилоят бўйича Жамоатчилик кенгаши фаоллари ва фуқаролар йиғинлари мутасаддилари саъй-ҳаракатлари билан шаҳарнинг тўртта кўчасидаги 212 та эски чироқ замонавий ва тежамкор ёриткичларга алмаштирилди. Натижада шаҳарнинг С.Азимов, Х.Носиров, Шифокор ва Ш.Рашидов шоҳ кўчалари ойдин кўчаларга айланди.

Шунингдек, Обод турмуш йили давомида «Қариялар — эъзозда» тадбирини ўтказиш режалаштирилган. Бундай тадбирларда маҳаллий тадбиркорлар кексаларга эҳтиром ва ҳурмат кўрсатиш мақсадида байрамлар ва шонли саналар муносабати билан дастурхон ёзиш ташаббуси билан чиқишди.

Навоий шаҳрида ҳам хайрия тадбири ўтказилди. Нуронийларга «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази қошидаги рассомлик тўгараги аъзолари ижод намуналарини совға қилдилар. Ёшлар «Ҳар кишидан бир кўчат» акцияси доирасида Қосим шайх ва Қалқонота тарихий обидалари атрофига 600 тупдан зиёд манзарали ва мевали кўчат ўтқазди-



лар. Мазкур тадбирларда «Ўзбекистон Ижтимоий масъулиятли фуқаролари Форуми»нинг ҳудудий Жамоатчилик кенгаши аъзолари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари, «Аёллар кенгаши», «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг бўлим ва бўлинмалари вакиллари, шунингдек, маҳаллий аҳоли иштирок этди.

Ҳудудий Жамоатчилик кенгаши аъзолари, ҳомийлар ва тадбиркорлар саъй-ҳаракатлари билан Самарқанд вилоятида ҳам ҳашар ташкил этилди. Бўш ётган майдонларга 300 тупдан зиёд олма, нок ва гилос каби мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Боғга «Ижтимоий масъулиятли фуқаролар» номи берилди ва шаҳарнинг марказий учта кўчасига замонавий ёритиш мосламалари ўрнатилди.

Жамоатчилик кенгаши кўмагида ва маҳаллий тадбиркорлар маблағлари ҳисобидан «Мурувват» уйида истиқомат қилувчи кексалар учун байрам дастурхони ёзилиб, уларга совғалар улашилди.

Мухтасар айтганда, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ошиб, Ватан тақдирига дахлдор юмушларда ташаббус билан чиқаётган қатлам шаклланиб бормоқда. Бу эса, юртимизнинг янада чирой очиб, обод диёрга айланишида муҳим аҳамият касб этади.

Нурилла ЧОРИЕВ
«Mahalla»

ЭЪТИРОФ

# ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР ҲАВАС ВА ҲАЙРАТНИ УЙҒОТДИ



< [1]

Мазкур маҳалла фаолияти билан танишиб, бу ерда олиб борилаётган ишлардан ҳайратландим. Айниқса, йиғин раиси Беҳзод Эгамбердиевнинг айтишича, йиғин қошида ташкил этилган 8 та комиссиянинг ҳар бири ўз йўналишлари бўйича аҳолига хизмат қилаётгани менда катта таассурот уйғотди. Ўзбекларга хос маҳалла тизими чинакам тадрижий тараққиёт маскани эканига ишонч ҳосил қилдим.

**Сукхиндер Сингҳ ЖОҲАЛ (Ҳиндистон):**

— Пойтахт вилоятининг Зангиота тумани «Обод турмуш» маҳалласи ҳудудида барпо этилган замонавий уйларнинг юксак сифати менда унутилмас таассурот қолдирди. Ўзбекистоннинг барча вилоятида бўлгани каби бу ерда ҳам қад ростлаган уйлар жуда чиройли ва яшаш учун қулай. Уйларнинг лойиҳаси, пухта ишланган инфратузилмаси, шинам ва ёруғлиги, барча афзалликларга эгалиги, жумладан, электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув билан таъминлангани менга ҳар жиҳатдан манзур бўлди.

Бундай уй-жойлар лойиҳасида оилавий шароит ва миллий турмуш тарзига хос жиҳатлар эътиборга олинган. Ана шундай қурилиш ишлари мамлакатингизнинг барча туманларида кенг кўламда давом эттирилаётгани таҳсинга сазовор. Ўзбекистон қишлоқларида қурилаётган уйлар лойиҳасидан бошқа мамлакатлар ҳам намуна сифатида фойдаланса арзийди.

Уйлар атрофида қад ростлаган савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, мактаблар, спорт мажмуалари ҳам эътиборимни жалб этди. Буларнинг барчаси қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

**Фарҳод Хуршид ТОШКАНДИЙ (Саудия Арабистони):**

— Президент Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ жойларида замонавий уй-жойлар қуриш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Юксак савияда ташкил этилган, қизиқарли маълумотларга бой бўлган мазкур халқаро конференция иштирокчиларнинг барчаси учун фойдали бўлди. Айниқса, Президент Ислом Каримовнинг нутқида баён этилган ғоят теран фикрлар, илгари сурилган ғоялар, келтирилган рақамлар ва маълумотлар менда ғоят катта таассурот қолдирди.

Давлатингиз раҳбари ташаббуси билан юртингизда қадимий обидаларни тиклаш, таъмирлаш ва асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар таҳсинга лойиқ. Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуини зиёрат қилиб, шундай хулосага келдим. Мажмуада «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини ҳам фаолият юритаётганини қадим анъаналарнинг замонавий инъикоси дейиш мумкин.

**Шазали СУЛАЙМОН (Бруней):**

— Давлатингиз раҳбарининг конференцияда сўзлаган нутқида Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида изчил амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг бераётган юксак самаралари, уларнинг аҳамияти ва мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўллари теран таҳлил этиб берилди.

Юртингизда, айниқса, Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги «Пўлатдархон» маҳалла фуқаролар йиғинида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, халқингизнинг яратувчанлик салоҳиятига тасаннолар айтдим. Ўзбекистоннинг гўзал табиати, одамларингиз юзидаги ҳаётдан мамнунлик, эртанги кунга ишонч бизда ҳавас уйғотди.

Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

МАҲАЛЛА: БУГУН ВА ЭРТАГА

# ЎЗГАРИШ ВА ЮКСАЛИШГА ЮЗ ТУТГАН

< [1]

— Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳудудларда санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ишларини ташкил қилишда масъул давлат органлари ва манфаатдор жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада такомиллаштириш ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга кўмаклашиш бўйича «Қирсадақ»нинг 6 та кўчасида тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Янгийўл тумани бўлинмаси раиси Эркин Йўлчиев. — Маҳаллада аҳолини қийнаётган муаммолар тезда аниқланиб, уларни ҳал этиш ишлари бошлаб юборилди. Йиғин мутасаддиларининг қисқа фурсатда катта натижаларга эришаётгани қувонарли. Аҳолини қийнаётган масалаларни аниқлашда ҳар бир хонадон, ҳар бир фуқаро билан дилдан суҳбатлашилгач, йил бўйи бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифалар тақсимлаб олинди. «Қирсадақ»ни намунали маҳаллалар қаторига қўшишда, аввало, ички имкониятлар ишга солингани аҳамиятли. Жумладан, 25 нафар ишсиз фуқаронинг бандлигини таъминлашда ҳудудда фаолият юритаётган 30 та корхона билан қатъий битим тузилгани, уларнинг раҳбарларини ҳам ҳудудни ривожлантиришга жалб этилгани кутилган натижаларни берди.




Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Г.Мамирова, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Х.Хайрибекова, посбонлар сардори О.Болтабоев маълум муддат ичида ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, турмуш маданиятини ошириш, ободонлаштириш ишларини ташкиллаштиришда аҳолига бош-қош бўлишди. Маҳалла фаолларининг ўз вазифасини сидқидилдан бажаришаётгани учун эрта турмуш қуриш, вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик ва ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари сўнгги йилларда кузатилмади.

— Аҳолини фойдали меҳнатга жалб этиш орқали оилаларнинг моддий таъминоти яхшиланади, кишилар фаровонликка эришади, — дейди «Қирсадақ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Очил Баратов. — Бироқ баъзида иш топиб берган билан муаммо ҳал бўла қолмайди. Қирсадақ кўчасидаги 14-уйда яшовчи М.Турдалиеванинг турмуш ўртоғи вафот этган, 3 нафар гўдаги билан яшайди. Бирор жойда ишлашга оиласида шароит йўқ. Ундан оиласини иқтисодий ночорликдан олиб чиқишда фикр сўрадик. М.Турдалиева қорамол боқиш истаги борлиги, аммо бунга маблағи етмаслигини айтди. Унга имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам бериш, қолаверса, қорамол боқишни истаган бошқа маҳалладошларга ҳам кўмак кўрсатиш мақсадида «Агробанк»нинг Гулбаҳор филиали мутахассислари иштирокида учрашув ташкил этдик. Яқин орада бу муаммолар ҳал бўлади. Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежларини тугатган йигит-қизларни ишга жойлаштиришга ҳам жиддий киришганмиз. Бунда бизга ҳудудимизда жойлашган «Спантех» корхонаси яқиндан кўмак беряпти.

Коммунал тўловлардаги қарздорликни бартараф этишда фаоллар тушунтириш ва огоҳлантириш тадбирларини ўтказиб, муайян натижаларга эришаётган бўлсалар-да, айрим хонадонларнинг қарзлари кўпдан буён ёпилмаётганди. Йиғин раиси томонидан ҳудуддаги «Пластекс» йигирув цехи раҳбариятига ушбу муаммони бартараф этишда кўмаклашиш таклифи киритилди. Бугун корхонанинг моддий кўмаги эҳтиёжманд оилаларнинг оғирини енгил қилаётир.

«Маданият» кўчасидаги 1-уйда яшовчи С.Назаровга «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлинмаси ҳамда Эски қовунчи қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан ногиронлик аравачаси тақдим қилиниб, уй-жойи таъмирлаб берилди. Бундай эзгу ишлар кишиларнинг қадрдон тузилмага бўлган ишончи ва ҳурматини янада ошираётир.

«Қирсадақ»даги 6 та кўчада дарахтлар оқланиб, манзарали ва мевали кўчатлар, гуллар ўтқазилган. Уйларнинг кўча деворларига ёрқин ранг берилгани маҳалла қиёфасини очиб юборди. Хуллас, «Қирсадақ» бугун янгиланиш, ўзгариш ва юксалишга юз бурган.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

ТАДБИР

# Йиғинда ҳуқуқий тарғибот

**Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тадбирлар мамлакатимизнинг ҳар бир маҳалласида олиб борилаётир.**

Жумладан, Ўзбекистон туманида ҳам туман ҳокимлиги, прокуратураси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, давлат ва нодавлат органларининг ҳудудда қонунийликни таъминлаш, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадидаги ҳамкорлиги боис мавжуд 36 та фуқаролар йиғинининг ҳар бирида тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Жумладан, «Ойимчақақир» маҳалласи гузарида ташкил этилган тадбирда икки мингдан зиёд киши иштирок этди. Маҳаллада тадбиркор, ҳунарманд, ишбилармонлар кўп. Бизнесини бошлаш арафасида турганлар ҳам кам эмас. Шу боис ҳуқуқий тарғибот тадбиркорнинг ҳақ-ҳуқуқлари, солиқ имтиёзлари ҳамда давлат ва жамият олдидаги мажбуриятларига бағишланди.

Ражабгарди қишлоғидаги 17-умумтаълим мактабида ўтган учрашувда соҳа мутахассислари йиғилганларга миллий қонунчилигимиз моҳиятини англатиш баробарида, аёлларнинг жамиятимиздаги ўрни, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, қизларни эрта турмушга узатишнинг олдини олиш, диний экстремизмга қарши кураш, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш масалалари ҳақида кенг тушунча бердилар. Савол-жавоб, мунозара руҳида ўтган давра суҳбатидан ражабгардиликлар ўзлари учун зарур маълумот олдилар.

Туман ҳокими А.Бобораҳимов масъуллигида Нурсух қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтган тадбирда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, таълим жараёнида давоматни назорат қилиб бориш, мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масалалари батафсил муҳокама этилди, долзарб вазифалар белгилаб олинди. Зотан, келажагимиз эгаларининг муносиб таълим-тарбия олиши, одоб-ахлоқи учун қайғуриш юрт истиқболи йўлидаги муҳим қадамлардандир.

**Ғуломжон АКБАРОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Ўзбекистон тумани бўлинмаси раиси ўринбосари.**

МАҲАЛЛА — КЎП МИЛЛАТЛИ АҲИЛ ОИЛА

# РАНГ-БАРАНГ УРФ-ОДАТЛАРДА ДАВР НАФАСИ

**Бектемир туманида жойлашган Абай номидаги маҳалла кўп миллатли йиғинлардан. Маҳаллада уч минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу ердаги миллатлараро тотувликни кўриб, кишининг ҳаваси келади.**



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Абай номидаги маҳаллада қозоқ миллатига мансуб инсонлар талайгина. Шу билан бирга, йиғинда татар, тожик, украин, уйғур, корейс, рус, дунган миллати вакиллари ҳам умргузаронлик қилиб келишаётир. Маҳалла аҳли тўй-маъракаларда елкадош, доимо бир-бирининг ҳолидан хабардор.

Бундан ташқари, ҳудуддаги 290-умумтаълим мактабида ўзбек синфлари қатори қозоқ, рус, корейслар учун ҳам машғулотлар ташкил этилгани юртимизда барча миллат вакиллари тилларига ҳурмат-эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

Маҳалла раиси Ойнагул Байқизилова қозоқ синфларига математика фанидан сабоқ беради. У мураббий ва маҳалла фаоли сифатида болаларнинг мафкуравий иммунитетини тўғри шакллантириб, уларнинг мурғак тафаккурига бағрикенглик, дўсту бíродарлик фазилатларини сингдиришга интилмоқда.

— Маҳалламиз аҳли жуда иноқ, — дейди йиғин раиси О.Байқизилова. — Бирор хонадонда тўй-маърака бошланса ҳеч ким четда турмайди. Турли-туман анъана ва қадриятлардан завқланиб, байналмилал маҳаллада яшаб, уни бошқараётганимдан фахрланаман. Мақсадимиз — аҳолининг бирдамлигини янада мустаҳкамлаш.

Йиғинимизда таомлар сайлини ўтказиш анъанага айланган. Аҳамиятлиси, бунда ўзбек, қозоқ, тожик, рус, корейс, уйғур маҳалладошлар уйларида тайёрлашган таомларидан олиб чиқишади. Маҳалла гузарида дастурхон ёзилади. Йиғилганлар таомланиб, дилдан суҳбат қуришади, куй-қўшиқлар айтишади.

Маҳаллада барча миллат вакиллари ўзларининг миллий байрам ва маросимларини кўнгилдагидек ўтказишлари учун барча имкониятлар яратилган. Мисол учун, корейслар «Ота-оналар куни»ни нишонлаб, марҳум қариндошларининг қабрларига гулчамбарлар қўйсалар, рус миллати вакиллари ҳам «Пасха» байрамини кўнгилдагидек ўтказишади.

Дунганларнинг ҳайит байрами ҳам ўзига хос. Улар ҳайитни уч кун нишонлайдилар, дастурхонга хилма-хил пишириқларни тортишади.

Абайликларнинг айтишича, ўзаро иноқлик туфайли бу ердаги миллатларни бир-биридан фарқлаш қийин. Шунинг учун ўзга миллатли қўшнисидан қиз олганлар, куёв қилганлар ҳам талайгина.

Умида УЗОҚОВА
«Mahalla»

МАСЛАҲАТЧИНИНГ ХОНАДОНГА ТАШРИФИ

# Ҳар бир бола эътиборда

< [1]

Ана шу гаплардан сўнг маслаҳатчи бола яшайдиган хонадонга йўл олди. Борса, хонадон атрофи хароб, томорқа қаровсиз, уйда гўё одам яшамайдигандек. Икки-уч бор овоз бериб чақиргандан сўнг уйдан ранги заҳил аёл чиқиб келди.

Сўрашишгач, маслаҳатчи муддаога кўчди.

— Ҳаммасига мен сабабчи, — деди аёл оғир хўрсиниб. — Шу касал ўлгур анча қийнаб қўйди-да. Аввалига ҳам ишлаб, ҳам маҳалланинг нафақаси эвазига бир амаллаб рўзғор тебратиб тургандим. Аммо ётиб қолганимдан сўнг биргина нафақанинг ўзи на рўзғор, на дори-дармонга етяпти. Болам бояқиш шуларни ўйлаб, қаршилигимга қарамай, ҳар куни тушликдан сўнг бозорга чиқиб, арава судраяпти. Аслида томорқада ҳам ишласа бўлардику-я, деҳқончиликнинг йўл-йўриғини билмайди. Барибир минг кетмон урган билан ер жониворнинг тилини билмаса қийин...

Орзигул опа аёлдан эшитган сўзларини йиғин раиси билан муҳокама қилди. Ўзаро маслаҳатлашиб, хонадонга паррандачилик билан шуғулланиш учун 50 та товуқ беришди. Ҳашар орқали хонадон томорқаси тартибга келтирилди. Томорқа ишларини Умиджонга ўргатиш уста миришкор Соҳиб отага топширилди.

Ана шундай ҳаракат орқали бир оиланинг қаддини ростлашга ёрдам бериш баробарида, Умиджоннинг мунтазам дарсларга қатнаши ҳам таъминланди. У томорқадаги ишларини эрта тонгда ва дарсдан сўнг ҳам бажармоқда.

— Бола тарбияси жуда нозик юмуш, — дейди Жондор туманидаги «Навгади» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Орзигул Икромова. — Болалигида унинг тарбияси, маънавиятига етказилган кичкина дарз, кейинчалик катта муаммога айланиши мумкин. Шу боис биз маҳалладаги нафақат бугунги, балки эртанги маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш учун ҳам ёшлар тарбияси, уларнинг мактаб ва коллежлардаги давомати, таълим жараёни билан бевосита қизиқиб, назорат қилиб борамиз.

Бундан уч-тўрт йил муқаддам бир тадбиркор маҳалламизда компьютер ўйинлари маркази очди. Икки-уч кун



ичида шу нимқоронғи хона мактаб ўқувчилари билан лиқ тўлса, денг. Компьютерда болалар нима билан шуғулланишаётганини кузатиш учун ўша ёққа бош суқдим. Кирсам, 12-13 ёшдаги болалар аллақандай жангариликлар акс эттирилган ўйинлар билан машғул. Ахир болалар ҳалитдан бундай тасвирларни хотиржам қабул қилса, йиллар ўтиб дийдаси қотгач, уларнинг қўлидан ножоиз ишлар келмаслигига ким кафолат беради? Тадбиркорга шуларни тушунтирдик. Агар мақсади даромад топиш бўлса, шу ерни дарсдан ташқари компьютер ўргатиш курси ёки хат-хабарлар жўнатдиган, ZiyoNET тармоғига уланган интернет-кафега айлантириш мумкинлиги хусусида маслаҳат бердик. Ушбу тавсияларни маъқул топган тадбиркорнинг компьютер хонаси ҳозир ҳам мактабдан бўш вақтларда ўқувчилар билан гавжум. Энди ушбу маскан фаолиятидан катталар ҳам, ёшлар ҳам бирдек мамнун.

Маҳаллада нотинч оилалар билан ишлаш, оиладаги носоғлом муҳит фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг дастлабки чораги мобайнида ҳудуддаги бешта нотинч оила вакиллари билан суҳбатлар ўтказилди. Уларга оиладаги нотинч муҳитнинг нафақат рўзғордаги фаровонлик, балки фарзандларнинг келажак тақдирига ҳам рахна солиши хусусида тушунтиришлар берилди.

Маслаҳатчининг шу йўналишдаги ибратли ишларидан сўнг ушбу оилалар ўз турмуш тарзини ўзгартирдилар. Ҳатто ажрашиш арафасидаги бир оила бошлиқлари маслаҳатчининг фикрига қулоқ тутиб, фарзандлари келажагини ўйлаб ниятларидан қайтишди.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

# МУАММОЛАР ЎЗ ЎРНИДА ЕЧИМ ТОПАДИ

**Ғафур Ғулом номидаги маҳалла Зомин туманининг обод масканларидан. Ҳудудда кўплаб ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари фаолият юритади. Аҳоли зичлигига қарамай, маҳалла тоза-ораста.**

Боғлар, яшил майдонлар кенгайиб бораётир. Кейинги йилларда дарахтлар экилган ерлар, боғ майдонлари 10 гектардан ошди.

Хайрли ишга бош қўшиш — савоб. Буни яхши англаган халқ депутатлари Зомин тумани Кенгаши депутати Зоидбек Алимов мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар, ота-оналар билан учрашиб, яшил майдонларни кенгайтириш, ёшларда касб кўникмаларини шакллантиришнинг аҳамиятини атрофлича тушунтиришда жонбозлик кўрсатмоқда. Маҳалла фаолларининг қўллаб-қувватлашлари туфайли депутатнинг ташаббуси амалий ҳаракатга айланди.

— Ўтган йили сайловчилар депутатдан ҳудудимизда 2 километрли йўлни асфальтлашда кўмак беришни сўрашганди, — дейди Ғафур Ғулом номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳмон Ҳамроқулов. — Депутатнинг саъй-ҳаракати билан бу иш амалга оширилди. Шунингдек, учрашувлар давомида билдирилган таклифлар асосида маҳалладаги иккита кам таъминланган оилага ҳомийлар томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.

З.Алимов сайланган «8-Боғишамол сайлов округи» ҳудудига, Ғафур Ғулом номидаги маҳалладан ташқари, «Бирлик», «Боғишамол» йиғинларининг ҳам бир қисми киради. Депутат ўз фаолияти давомида ана шу ҳудуддаги 2 минг 700 нафардан зиёд сайловчи томонидан билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қилмоқда.

Бугунги кунда Ғафур Ғулом номидаги маҳалланинг ўзида битта маиший хизмат уйи, 15 та савдо, 6 та умумий овқатланиш шохобчаси, тикувчилик, сартарошхона, суратхона, радио-телевизор ва маиший хизмат буюмлари устахоналари ишлаб турибди. Хонадонлар табиий газ ва ичимлик суви билан тўла таъминланган.

Шундай ижтимоий-маиший қулайликлар «Бирлик», «Боғишамол» маҳаллаларида ҳам яратилган. Бу маҳаллаларнинг ҳар бирида ўндан зиёд маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳоли хизматида. Ҳудудда 50 дан зиёд тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Бу ютуқларга эришишда депутатнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор.

— Ўтган йили тумандаги барча маҳаллаларда депутатлар билан сайловчиларнинг учрашувлари бўлиб ўтди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси Пўлат Тожибоев. — Зоидбек Алимов сайловчиларнинг таклиф-мулоҳазалари асосида туман ташкилотларига иккита депутатлик сўрови киритди. Ободонлаштириш, аҳолининг кундалик эҳтиёжларига доир ҳар иккала муаммо ижобий ҳал этилди.

Депутатлар сайловчилар билан учрашувда ўртага ташланган масалаларни тегишли давлат ҳокимияти органларига етказиш билан бирга, энг долзарб муаммоларни халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси ва доимий комиссиялар мажлислари муҳокамасига ҳам киритмоқдалар. Чунончи, депутат З.Алимов ташаббуси билан «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар режаси ва ўқувчиларда меҳнат ҳамда касб кўникмаларини шакллантириш мавзуси халқ депутатлари туман Кенгаши аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссияси мажлисида муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда депутатларнинг фаолиятига, аввало, ўзи сайланган округда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ижтимоий, экологик муаммоларни ҳал этишга таъсир ўтказаётганига қараб баҳо берилаётгани уларнинг масъулиятини ошираётир. Натижада маҳаллий кенгашлар депутатларининг, доимий комиссияларнинг муҳим масалаларни кенгашлар йиғилишларига тайёрлаб киритиш, зарур таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, тегишли қарорлар қабул қилишдаги фаоллиги ошмоқда. Сайловчилар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар, муаммолар ўз вақтида ечимини топаётир. Бу эса, қишлоқ ва маҳаллаларнинг обод, аҳолининг турмуши янада фаровон бўлишига хизмат қилмоқда.

Бек НАЗАР
«Mahalla»

ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ БОР

# САВОБ ИШНИНГ САЛМОҒИ



< [1]

Кўҳна воҳа маҳаллаларидаги кекса онахонлар, узоқ йиллик тажрибага эга тикувчи момолардан қадимий тикиш услубларини эринмасдан суриштирди, ўрганди. Ҳунарманд ўз ижод маҳсулларида юртимизнинг бой анъаналарини бор латофати билан жилолантиришга, момомерос қавима чокларга замонавий шакл беришга ҳаракат қилмоқда.

— Ф.Саъдуллаева маҳалладошларимизга ҳар жиҳатдан ибрат бўлиб келаётир, — дейди Урганч шаҳридаги 33-маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шарифбой Ҳасанов. — У халқаро миқёсда ўтказилаётган кўргазмаларда доимо фаол. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилаётган «Ташаббус» кўрик-танловида мунтазам қатнашиб, янгидан-янги ижод намуналарини тақдим этмоқда. Жумладан, ўтган йилги кўрик-танловнинг республика босқичида «Энг яхши тадбиркор аёл» номинацияси бўйича ғолиб бўлиб, қимматбаҳо совға ва БМТ Тараққиёт дастурининг 5 миллион сўмлик грантини қўлга киритди. Жорий йилда ҳам республика босқичининг совриндорлари сафидан жой олди. У маҳаллада ҳунар ўргатишни йўлга қўйгани боис, айни пайттача воҳамизнинг 200 дан зиёд хотин-қизи тикувчилик орқали қўшимча даромад топаётир.

Ҳунарманднинг иш тажрибаси маҳаллани оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш марказига айлантиришга бағишланган ҳудудий семинар-ярмаркада кенг миқёсда оммалаштирилди. Бу эса, кўплаб тадбиркорларга бизнесни ташкил қилиш ва юритиш, ҳунар асосида истиқболли режалар тузишда катта ёрдам берди. Маҳаллаларда оилавий бизнеснинг равнақ топишига муносиб ҳисса қўшди.

Мақоламиз аввалида баён этганимиздек, Ф.Саъдуллаева Урганч шаҳридаги 96-сон вилоят ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатининг юқори синф қизларига каштачилик, тикувчилик сирларини ўргатмоқда. Ҳунарманд эшитиш ва сўзлашишдан маҳрум қизларнинг бугун ҳунар эгаллаши келажакда улар учун мустаҳкам моддий-маънавий таянчга айланишига ишонади.

Бундан ташқари, қўлигул чевар Урганч туманидаги шифохона, Урганч шаҳридаги 11-сон вилоят болалар уйига мунтазам ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келмоқда.

— Жорий йилнинг бошларида «Урганч миллий тикувчилик» оилавий корхонасини ташкил қилгандик, — дейди Ф.Саъдуллаева. — Маҳсулотларимизни тоза материаллардан қўл меҳнати билан тайёрлаймиз. Юртдошларимизга ҳам сифатли, ҳам арзон маҳсулот етказиб бериш ҳаракатидамиз. Бугун бозорларда хориждан келтирилаётган кийим-кечак, ётоқхона анжомлари бисёр. Айниқса, чақалоқлар учун кийим-бош танлови кенг. Бироқ ҳамма ҳам буюм харид қилаётганда маҳсулотнинг экологик сифати, санитария назоратидан ўтган-ўтмагани билан қизиқавермайди. Янги туғилган чақалоқларга либос ва чойшабларни синчковлик билан танлаш лозим. Чунки мато таркибидаги моддалар, чоклар, боғичлар боланинг нозик терисига зарар етказиб қўйиши мумкин. Қўл меҳнати билан тайёрланаётган миллий кийим-кечакларимизнинг барчаси экологик тоза матолардан. Момоларимиз тиккан хоразмча жубба, курта, қалпоқчаларни биз бугун замонавий безаклар билан бойитиб аҳолига тақдим этаётирмиз. Ишимизда адрас, шойи, атлас, беқасам, чит ва сатиндан фойдаланамиз. Қуроқчиликни йўлга қўйганимиз, асосан, чиқинди материаллардан тикиладиган нақшли буюмлар хонадонларга файз бағишлаётир, миллий қадриятларимизнинг ривожланишига замин бўлаётир.

Оилавий корхоналар — мамлакат иқтисодиётидаги энг самарали, ҳар томонлама фойдали, кишиларни ишбилармонликка, тадбиркорликка ундайдиган бизнес тури. «Урганч миллий тикувчилик» оилавий корхонаси ҳам яқинда ташкил топганига қарамай, ички бозорда ўз маҳсулотларининг сифати, ҳамёнболлиги билан тобора муваффақият қозонаётир. Фароғат Саъдуллаева Президентимиз томонидан яратилаётган қулайликлардан руҳланиб, келажакда Хоразм миллий ҳунармандчилик намуналарини чет элларда ҳам намоён этиш арафасида. Экспортбоп маҳсулотлар яратиш учун ишбилармон аёл бир қанча истиқболли режалар устида ишлаётир.

...Нилуфар — туғма ногирон, у эшитиш, сўзлашишдан бебаҳра. Аммо қизнинг моҳирона қавиган кўрпалари, бежирим қуроқгулли ёстиқ жилдларию атлас кўйлакчаларини кузатарканмиз, унинг истеъдодига тасаннолар айтдик. Ўткир нигоҳ, дадил имо-ишоралар ёрдамида устозига ўз фикрларини изҳор этаётган қизни кузатиб, унинг юраги уйғоқ, эртанги кунидан орзулари мўл, ишончи мустаҳкам эканини, меҳр ва эътибордан қувват олаётганини англадик. Махсус интернатда эса Фароғат Саъдуллаеванинг ўқувли, ўзига ишонган чевар шогирдлари йилдан-йилга кўпаймоқда.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

ОБОД ҚИШЛОҚ ЖАМОЛИ

# ЯХШИ ЯШАШГА ИШТИЁҚ БАЛАНД

**— Бундан бир неча йил олдин фарғоналик хизматдош дўстим меҳмонга келди, — дея эслайди Яккабоғ тумани «Жайчи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Худойбердиев. — Ўшанда маҳалламизнинг кўчалари ўнқир-чўнқир, ёғингарчилик боис лой, ботқоқ эди. Раисликка сайлангач, ишни ободонлаштириш бўйича дастур тайёрлашдан бошладим.**

Мана, икки йилдирки, маҳалла ҳудудининг чирой очишида йиғин раиси ва фаолларининг жонбозлиги сезилмоқда. Энг аввало, ҳашар йўли билан кўприк қайта таъмирланди.

Жайчиликларни яна бир муаммо қийнарди. Ер ости сувининг кўтарилгани сабабли томорқалар зах босиб, шўрланиб кетди. Оқибатда экин экишнинг имкони қолмади. Маҳалла раисининг ишбилармонлиги билан бунинг ҳам чораси топилди. Сизот сувларини қочириш учун 800 метр зовур қазилди. Бу хайрли ишга каттаю кичик ўз ҳиссасини қўшди. 2 миллион 400 минг сўмлик иш бажарилди.

Раиснинг яна бир ташаббуси билан йўл муаммоси ҳам ҳал этилди. Чунки аҳоли қиш, баҳор ойларида лой кўчалардан юришга қийналарди. Ҳомийлар ёрдамида 2 километрли йўл ҳашар асносида қайта таъмирланди. «Кўпдан қуён қочиб қутулмас» деганларидек, бир ой ичида равон йўл қуриб битказилди. Кичик кўчалар ҳам шу тариқа текисланиб, асфальт ётқизилди. Қарабсизки, бир йил нари-берисида маҳалланинг кўчалари киши ҳавас қиладиган кўринишга келтирилди.

— Энди меҳмон келса хижолат чекмаймиз, — дейди раис.

Ҳақиқатан ҳам «Жайчи» тумандаги энг обод маҳаллалардан бирига айланди. Аҳоли ҳовли-жойларини равон, текис кўчаларга мослаб, қайта таъмирлади. Пастқам, нураган деворлар ўрнида янгилари қад кўтарди, яхши яшашга иштиёқи ортган одамлар ҳовлиларига гуллар экиб, уйлари олдини кўкаламзорлаштирдилар.

Ўтган йилнинг охирларида 248 та хонадон «Жайчи» маҳалласига қўшиб берилди. Тупроқ кўчаларга тош ётқизиш учун ҳашар уюштирилди. Бу ишда тажрибали отахонлар ва фаоллар бош-қош бўлишди. Кичик йўллар текисланиб, маҳалланинг катта кўчасига туташтирилди. Энди бу кўчаларга асфальт ётқизиш вазифаси маҳаллий дастурга киритиляпти.

Жорий йилда яна қўшимча 2 километр йўл асфальтланади. Бу ишни зиммасига оладиган ҳомийлар бор.

Бугун туманнинг қай бир гўшасига борманг, ана шундай ўзгариш, ободончилик ишларига гувоҳ бўласиз. Жумладан, «Маданият» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 2 километрли тупроқ йўлга тош ётқизилиб, туман ҳокимлигининг ёрдами билан асфальтлашга киришилди. Галабута қишлоғидаги 3 километр узунликдаги ички йўллар ҳам текисланди. Айни пайтда, ҳашар йўли билан тош ётқизиш ишлари давом этмоқда.

— Қишлоқ ва маҳаллаларимизнинг ички йўлларини таъмирлашга туман ободонлаштириш бўлими ҳам яқиндан ёрдам бермоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлинмаси раиси Илҳом Хидиров. — Жумладан, «Олакўйлак» маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли йўллар яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Туман ободонлаштириш бўлими томонидан бу йўллар таъмирланди.

Бундан ташқари, туман йўл пудрат хўжалиги таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси томонидан ҳам талай ишлар бажарилмоқда. 12 миллион сўмлик маблағ сарфланиб, «Шаршарбоғот» маҳалласидаги бир километрли йўл текисланиб, тош тўкилди. «Қозоқ», «Қатағон», «Сандал» маҳалла фуқаролар йиғинларидаги жами 5 километрли йўлга шағал-тош ётқизилиб, асфальт қилиняпти. Бу ишлар учун 5 миллион сўм маблағ сарфланади.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар эвазига маҳаллалар янада обод бўлмоқда. Бу эса, аҳолининг турмуш тарзига ижобий таъсир ўтказиши тайин.

Санобар БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»

КЎКЛАМ ҲОСИЛИ

# ЕРТУТ ЭККАН ЁҚУТ ТЕРАДИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Қулупнай — пишиқчилик элчиси. У бозорга чиқарилганидан сал ўтмай, гилос, ўрик, эртапишар тут, карам, бодринг, помидор, сабзи, пиёз, сингари маҳсулотлар етила бошлайди.**

Раъногулдошлар оиласига мансуб қулупнай ҳозир Ер юзининг қарийб барча минтақаларида етиштирилади. Ўлкамизда ертут, деб аталган бу ўсимлик ўн саккизинчи асрнинг охиридан бери экиб келинмоқда.

— Қулупнай етиштириш кони фойда, — дейди Зангиота тумани Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Илҳомбек Эргашбек» фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Акбар Ниёзов. — Ундан мўмай даромад олса бўлади. Биз 18 гектарли майдоннинг 3 гектарида ушбу ўсимликни парвариш қиляпмиз. Плёнка остидаги 40 сотих майдондаги қулупнай аллақачон сотувга чиқарилди. Даромад чакки эмас. Бироқ шунчаки эккан билан натижага эришиш қийин. Қайси нав ернинг ҳолатига ва об-ҳавога мос тушишини билиш керак. Биз ҳам плёнка остига қулупнайнинг эртапишар «Дилбар» нави кўчатларини ўтказганмиз. Бу навнинг афзаллиги шундаки, унинг доналари йирик, сифати ўзгармайди. Бироз муаммоси ҳам бор: парваришда жуда эътиборталаб. Пишиб етилгунча 5-6 кунда бир марта, кейин эса ҳар теримдан сўнг суғориш шарт. «Дилбар» иккинчи марта — октябрь ойида ҳам мева тугади. Гектаридан 50-60 центнергача ҳосил беради.

Акбар Ниёзовнинг таъкидлашича, қулупнайдан кўчат олиш ҳам қизиқ жараён. Май, июнь, июль ойларида ушбу ўсимлик гажак барглар чиқаради. Улар ривожланиб, ерга ёпишган жойда илдиз ота бошлайди. Дастлаб у «она бута»дан куч олса, яхши ўсгандан кейин ўзи мустақил озиқлана бошлайди. Экишга тайёр ҳолатга келиши учун илдизи 4-5 сантиметрга етиши керак.

— Қишлоқдошларимиз қулупнай етиштиришнинг ҳадисини олишган, — дейди Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Облоқул Жўраев. — Шунинг эвазига рўзгорлари тўкис, турмушлари фаровонлашиб боряпти. Оилавий даромадлари ошгани сари, одамлар бу маҳсулотнинг сир-синоатини чуқур ўрганишмоқда. Қишлоқдаги кўркам ва шинам уйлар, кенг ва равон кўчалар, бир сўз билан айтганда, ободлик қулупнайнинг ортидан келганига кўпчилик ишонмайди. Лекин бу — ҳақиқат.

Қулупнай бозорга чиқди. Энди турли мева ва сабзавотлар расталари янада тўлади. Муҳими, улар ўзимизнинг ерда, соҳибкор деҳқонларимизнинг тинимсиз меҳнати эвазига етиштирилмоқда. Демак, «илик узилди», дейиладиган баҳор фасли ишбилармон одамлар ташаббуси билан пишиқчилик ва мўмай даромад фаслига айланади.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«Mahalla»

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

# Хусусий мулк ҳуқуқи

Савол: — *Хусусий мулк тушунчаси нима ва мулкдорнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари қайси тамойилга асосланади?*

С.ЖУМАБОЕВА.
Урганч шаҳри.

Жавоб: — 2012 йил 24 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунида белгиланишича, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиммати чекланмайди. Хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.

Қонуннинг 7-моддасига биноан, мулкдорнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилади. Унга мувофиқ қонун ҳужжатларидаги хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар мулкдорнинг фойдасига талқин этилади.

О.ҲАКИМОВ,
ҳуқуқшунос.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

# Корхона иш бошлади

**Бахт шаҳрида «Baxttes-farm» масъулияти чекланган жамиятининг очилиши муносабати билан 500 дан зиёд янги иш ўрни яратилди. Корхонада иш билан банд бўлганларнинг асосий қисми касб-ҳунар коллежини битирган ёшлардир.**

Айни пайтда бу ерда қирқдан зиёд тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу маҳсулотларнинг экспорт қилинаётгани қувонарлидир.

Корхонани янада кенгайтириш, янги цехлар ташкил этиш мақсадида замонавий ускуналар, дастгоҳлар ўрнатилаётир. Бу ишлар якунлангач, йилига 3 минг тоннадан ортиқ тиббий момиқ, 2,6 минг тонна калава ип каби турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Янги иш ўринлари яратилиб, корхонанинг экспорт салоҳияти ортади.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ
«Mahalla»

ҲАМКОРЛИК

# Тажриба алмашилди

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ижобий самаралари хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.**

Яқинда бир гуруҳ германиялик тадбиркорлар қадимий Хива шаҳри маҳаллаларида бўлишди. Хива тумани ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Д.Аллақулиев маҳаллаларда оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, Президентимизнинг «2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги қарори асосида олиб борилаётган ишлар хусусида гапириб берди.

«PW Peter Wokf e.k» компанияси ижрочи директори П.Вольф, «Alterfil Gmbh» компанияси ижрочи директори Г.Амрайн, «VIA Dachtaial Gmdh Co» компанияси вакиллари тадбиркорлик борасидаги тажрибалари билан ўртоқлашиб, маҳалла институтининг мустақил Ўзбекистоннинг тараққиётидаги муҳим аҳамияти ҳақида фикр билдирдилар.

Абдулла САФОЕВ
«Mahalla»

БАНДЛИК

# Янги сервис маркази

**Шофиркон тумани Хожа Ориф номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «Нисо» маиший хизмат кўрсатиш маркази иш бошлади.**

Мажмуада тикувчилик цехи, гўзаллик салони, пойабзал тузатиш устахонаси, суратхона ва аудио-видеоёзув хизмати йўлга қўйилган. Шунингдек, озиқ-овқат, қурилиш моллари билан савдо қилувчи дўконлар, дорихона, ошхона ва новвойхона фаолиятидан аҳоли мамнун.

Ҳудуддаги маиший хизмат ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи билан тузилган шартномага мувофиқ, ўттиз нафарга яқин ўқувчи ушбу марказда назарий билимларини амалда синаш имкониятига эга бўлаётгани ҳам эътиборга молик. Улар орасидан лаёқатлилари сараланиб, ишга қабул қилинмоқда. Коллеж талабаларидан Санобар Абдураҳмонова тикувчилик цехида, Гулноз Азимова эса «Кумуш» гўзаллик салонида иш бошлади.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

ҚУЛАЙЛИК

# Бахт кошонаси

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида оила қонунчилигини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли тадбирлар белгиланиб, уларнинг ижроси таъминланмоқда.**

Айниқса, никоҳдан ўтувчи ёшларни турмушга тайёрлаш ва никоҳдан ўтказиш борасида замонавий «Бахт уй»ларининг қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани жойларда юридик хизмат кўрсатиш сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Яккабоғ туманининг «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғинида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг янги биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Бинода ёш келин-куёвлар учун барча қулайликлар яратилган.

— Шу пайтга қадар эски, мослаштирилган бинода фаолият кўрсатиб келаётган эдик, — дейди туман ФҲДЁ бўлими бошлиғи Машҳура Муҳаммадиева. — Янги бино имкониятларимизни янада кенгайтирди. Айниқса, никоҳдан ўтувчи ёшларни оилага тайёрлаш, оила мустаҳкамлигини таъминлашда бу муҳим аҳамият касб этади.

Мухбиримиз.


РЕКЛАМА ЎРНИДА

# ФАОЛЛИК, ОШКОРАЛИК ВА ИШОНЧ — АСОСИЙ МЕЗОН

**«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки капитал ва активлар ҳажми жиҳатидан республикамизнинг йирик банкларидан саналади. Унинг фаолияти, асосан, «Инқирозга қарши дастур» ижросини таъминлаш, узоқ муддатли иқтисодий ўсиш ва ривожланишга эришиш, инвестицион жозибадорликни ошириш, юқори ликвидлик ва барқарорлик, асосий кўрсаткичларнинг жадал ўсишига эришишга қаратилган.**

Мазкур банк ўз фаолиятини жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказишга интилиш орқали мамлакатда юқори рақобатбардош, ички бозор ва экспорт талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кўмаклашмоқда. Устувор мақсадлар сари интилаётган «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки кундан-кунга сони ортаётган мижозларига юқори сифатли банк хизматларини тақдим этиб, ҳар томонлама ишончли ҳамкорга айланаётир.

Банк жамоаси якдил мақсад — мулкчилик шакли ва фаолият кўламидан қатъи назар, барча турдаги хўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, аҳолининг кенг ижтимоий қатламларига банк хизматлари ва маҳсулотлари турларини кенгайтириш йўлида астойдил изланмоқда.

Ҳар бир мижоз — муассасанинг том маънодаги ҳамкори. Уларга банк хизматларини яқинлаштириш ва қулай шароитлар яратиш мақсадида ҳар бирининг индивидуал талабидан келиб чиқиб, янги лойиҳалар тайёрланаётир. Бунда асосий эътибор сифатли хизматга қаратилмоқда. Қолаверса, банк ва мижож ўртасидаги доимий ва амалий мулоқотлар, маблағларни бошқаришда шарт-шароит яратиш, ахборотларнинг очиқ-ойдинлиги боис ўзаро муносабатлар ишончли ва мустаҳкам.

Инновацион ғоя ва технологиялар бугун ҳар бир соҳадаги муваффақиятларга омил бўлаётир. Замонавий банк технологияларининг «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки муассасаларига кенг ва жадал жорий этилиши хизматлар ҳамда маҳсулотлар сифатини муттасил юксалтирмоқда. Бунинг натижасида банк жами активлари айни пайтгача ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 54,19 млрд. сўмга ўсиб, 3 852,7 млрд. сўмга етди.

Банк жами капитали бугунги кунда 107,75 млрд. сўмга ўсган ва 620,16 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Бундай саъй-ҳаракатлар туфайли банк мижозлари кўпайиб бораётир. Жумладан, ўтган даврда мижозлар сони 98,1 минг нафарга ошиб, 1 194,5 минг нафарга етди.

Жорий йилнинг ўтган давригача банк кредит қўйилмалари ва лизинг хизматлари ҳажми сўм эквивалентида 1 869,4 млрд. сўмни ташкил қилгани мазкур муассасада кредит сиёсатининг устувор йўналишлар асосида йўлга қўйилиши натижасидир.

Кредит портфели таркибида узоқ муддатли кредитлар ҳажми 1 564,8 млрд. сўмга етди. Шундан 1 345,6 млрд. сўми инвестицион кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

Обод турмуш йилининг 1 чорагида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини ривожлантириш мақсадида 202,1 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши 7,7 минг нафарга яқин янги иш ўрнининг ташкил этилиши ҳамда оилаларда моддий таъминотнинг яхшиланишига замин яратди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ривожланишига кенг шароитлар яратиш «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Мазкур соҳага шу йилнинг ўзида 172,9 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бундай ҳаракатларни йил якунига қадар давом эттириш мақсадида банк томонидан режалаштирган 684 млрд. сўм миқдоридаги кредит маблағлари жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кенг қанот ёйишига молиявий таянч бўлади.

«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки томонидан мижозларга кўрсатилаётган юксак даражадаги банк хизматлари, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича




амалга оширилаётган ишлар муносиб баҳоланмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 10-11 апрель кунлари «Ўзкўргазмасавдо» марказида ўтказилган банк технологиялари, ускуналари ва хизматларига бағишланган анъанавий «BankExpo — 2013» миллий кўргазмасида мазкур банк «Инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватловчи энг яхши банк» номинацияси бўйича ғолиб, деб топилди. Бу юксак эътироф «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки жамоасини янги марралар сари илҳомлантириши тайин.

«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки жамоаси жорий йилда мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишга мўлжалланган бизнес режалар ва истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришда доимо фаол. Зотан, республика молия бозорида мустаҳкам ўринга эга бўлиш, пул муносабатларининг барча турлари асосида сифатли ва ишочли хизматлар тақдим этиш орқали мамлакатдаги иқтисодий тараққиётга, юрт ободлиги ҳамда турмуш фаровонлигига ҳисса қўшиш «Асака» банкнинг устувор вазифаларидандир.

Шаҳина РАШИДОВА.

ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

# БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА


Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

— «Ота-оналар университети» фаолияти доимий эътиборимизда, — дейди Салор шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Акмал Холмуродов. — Йиғинимиз аҳолиси, асосан, зиёлилар, саноатчилар. Машғулотлар ойда бир ёки икки-уч марта ҳам ўтказиб келинади. Ушбу тузилмаларга доимий равишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими ва Қибрай тумани бўлинмаси томонидан услубий кўмак ва тавсиялар берилаётир. Шунингдек, университетлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш, таъсирчан воситалардан фойдаланишда қатор ташкилотлар билан ўрнатилган ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур университетларда ҳудудда истиқомат қилаётган ота-оналар, ёш келин-куёвлар, оила қуриш бўсағасидаги ёшлар иштирокида турли тадбирлар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар олиб борилади. Йиғинлар ҳузуридаги университетнинг жамоатчилик мақомидаги раҳбари маҳалла фаолларидан биридир. Ҳудудлардаги масъул ташкилотлар раҳбарларининг ўринбосарлари ушбу университетнинг аъзоси ҳисобланади.

— Шаҳарча фуқаролар йиғини ҳузуридаги «Ота-оналар университети» машғулотларида долзарб мавзуни танлаб, ота-оналарнинг билимини оширишга интиламиз, — дейди Салор шаҳарча фуқаролар йиғинининг оила ва маҳалладаги маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулнора Жўрабекова. — Оила харажатларини тўғри тақсимлаш, кредит олиш, оилавий тадбиркорликни бошлаш, фарзандларни касбга тўғри йўналтириш, қизларни барвақт узатишнинг олдини олиш каби масалалар юзасидан тажрибали ҳуқуқшунос, иқтисодчи, тадбиркор, психолог, педагог ва шифокорларнинг маърузаларини ташкил этяпмиз.

Салорда яхши анъана мавжуд: йиғин таркибига кирадиган маҳаллалардаги «Ота-оналар университети» сабоқларида ҳудуддаги барча тузилмалар масъуллари иштирок этишади. Бу ўзаро тажриба алмашиш, иш фаолиятини янада ривожлантиришда асқотади. Жумладан, «Наврўз» маҳалласида йўлга қўйилган фаолият бошқаларга ҳам ўрнак бўлаётир. Университет раҳбари, намунали оила бекаси Озода Аҳмедова ота-оналар билан мулоқотларни жонли тарзда, интерфаол усулда ўтказишни маъқул кўради. У турли мавзуларда ота-оналар ўртасида сўровномалар тарқатиб, кичик тадқиқот хулосасига кўра кейинги машғулотларга мавзу белгилайди.

Ўзбеклар билан бирга қозоқ, озарбойжон миллатига мансуб аҳоли умргузаронлик қиладиган «Дўстлик» маҳалласида ҳам мутахассислар иштирокида олиб бориладиган сабоқлар барчада катта таассурот қолдирмоқда. «Ота-оналар университети»га намунали оила бошлиғи Убайдулла Қурбонов раҳбар. Айнан намунали оила соҳиблари бўлган фаолларнинг мазкур тузилмаларга раҳбарлик қилиши ўзини оқламоқда. Чунки аҳоли амалда иши билан гапи бир бўлган кишинингина ортидан эргашади, маслаҳатини тўғри қабул қилади.

— «Ота-оналар университети»нинг ташкил этилгани ёш авлод тарбиясига қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишда муҳим қадам бўлди, — дейди «Дўстлик» маҳалласидаги «Ота-оналар университети» раҳбари У.Қурбонов. — Аҳоли билан ўтказилаётган турли мавзулардаги мулоқотлар, тушунтириш ишлари, мутахассислар ва бой ҳаётий тажрибага эга маҳалладошларимизнинг тавсия ва маслаҳатлари барчага манзур бўлмоқда. Айниқса, ёш ота-оналар ўзларига керакли маънавий кўмак ва сабоқ олаётирлар.

Шаҳарча маҳаллаларидаги тузилмаларда ташкил этилаётган давра суҳбатлари ва мулоқотлар долзарб ҳаётий масалалар юзасидан назарий билим бериши билан бирга, баҳс-мунозара, эркин фикрлаш, савол-жавоб каби амалиёт билан уйғунлашгани эътиборимизни тортди. Иштирокчилар оилалар мустаҳкамлиги, яхши қўшничилик муносабатлари, фарзандлар тарбияси, уларни касб-ҳунарга ўргатиш юзасидан тарғибот ишларини олиб бораётирлар.

Мазкур тадбирлардан кўзланган мақсад оилаларни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш, тиббий саводхонлик, маънавий-ахлоқий, ижтимоий-ҳуқуқий маданият даражасини ошириш, бола тарбиясига оид педагогик ва психологик билим, шунингдек, ота-оналарнинг маънавий-ахлоқий масалаларга доир дунёқарашини шакллантириш орқали комил инсонни тарбиялашга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

Феруза ЭГАМОВА
«Mahalla»

СПОРТ

Шахмат

## Пешқадамлар куч синашди



**Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган «Тошкент опен» VII халқаро турнири қизғин паллага кирди.**

Ўндан ортиқ мамлакатдан келган 112 нафардан зиёд шахматчи иштирок этаётган мусобақанинг тўртинчи турида пешқадамлар ўзаро куч синашди. Кетма-кет уч учрашувни ўз фойдасига ҳал қилган гроссмейстеримиз М.Жумаев қозоғистонлик М.Кажгалеев билан дуранг ўйнади. Мағлубиятсиз дона сураётган икки етакчи шахматчимиз А.Филиппов ва А.Барсовнинг ўзаро баҳсида ҳам кучлар тенг келди.

Хотин-қизлар ўртасида халқаро гроссмейстер Н.Муминова энг юқори кўрсаткични қайд этмоқда. Истеъдодли спортчимиз бу турда рақибини мот қилиб, очколари сонини учтага етказди. Яна бир шахматчимиз С.Боймуродова ҳам тўрт учрашувдан учтасини ўз фойдасига ҳал қилиб, пешқадамлар сафида бормоқда.

Бокс

## Ёшларимиз финалга яқинлашмоқда



**Қозоғистонда бокс бўйича ўсмирлар ўртасида давом этаётган Осиё чемпионатида чорак финал учрашувлари якунланди.**

Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган уч нафар боксчимиз ғалаба қозонди. 54 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан И. Холдоров ҳиндистонлик Т.Биккихандни мағлубиятта учратиб, ярим финалга чиқди.

Энг енгил — 46 килограмм вазн тоифасида қатнашаётган С.Латипов тожикистонлик М.Каримов устидан зафар қучди.

Яна бир боксчимиз Ш.Каримов 50 килограмм вазн тоифасидаги чорак финал баҳсида Хитой терма жамоаси вакили С.Живейдан устун келди.

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭСИЗ ОДАМЛАР...

# НАФС ҚУТҚУСИ

**Тиббиёт касб-ҳунар коллежида ўқишни кўпчилик ёшлар орзу қилади. Махсус мактаб-интернатни битирган Муҳайёхон Парпибоеванинг орзуси ҳам ана шундай эди.**

Она келажакда қизини саломатлик посбони бўлишини ният қилган ҳолда орзуси рўёбга чиқиши учун «йўл» излай бошлади.

— Шунга ҳам қайғурасизми? — деди узоқ таниши бир куни унга. — Бир опани биламан. У тиббиёт коллежида директор ўринбосари. Ўқишга киритишда устаси фаранг. У орқали «канал» топсак, муаммо ҳал, дейаверинг.

Сўраб-суриштиришлар натижасида, «опа», яъни меҳнат фахрийси Маҳбуба Мақсудова билан алоқа ўрнатилиб, у орқали Юлдузхон Исоқова билан «тил» топишди.

— Майли, муаммоингизни ҳал қиламан, — дейди у меҳмонларга тикилиб. — Лекин бироз чиқимидан қочмайсиз. 700 АҚШ доллари берсангиз, кифоя. Пул бўлса, чангалда шўрва.

— Ҳозир эмасу, икки кундан кейин уйингизга олиб бориб берамиз, — дейишди меҳмонлар умидвор термилиб.

— Пул билан бирга ҳужжатларини ҳам олиб келинглар,— деди «ҳожатбарор». — Фақат, тўғри тушунинглар, бу пуллар менга эмас, «катта»ларга тегади.

Меҳмонлар икки кундан сўнг «ҳожатбарор»ни йўқлашди. М.Мақсудова билан бирга Ю.Исоқованинг уйига кириб боришди. Унга 700 доллар билан бирга қизнинг ҳужжатларини ҳам топширишди.

— Янги ўқув йилиданоқ қизингиз коллежимиз ўқувчиси бўлади, — деди ҳужжатларини бирма-бир текшириб чиққан Ю.Исоқова «мижоз»ларини шодлантириб. Сўнг қўшиб қўйди: — Эҳтимол, коллежни битирганидан кейин мединститутда ҳам таҳсил олиб, зўр шифокор бўлар.

Аслида 44 ёшли Ю.Исоқова тиббиёт коллежида директор ўринбосари эмас, балки ижтимоий фанлар кафедраси мудири бўлиб ишлар, унинг пора эвазига ёшларни тиббиёт коллежига ўқишга киритиб қўяётгани ҳақидаги «миш-миш»лар ён-атрофга тарқалиб улгурганди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар аллақачон уни кузатув остига олишганди.

Юлдузхоннинг уйида тинтув ўтказилганда, ҳақиқатан ҳам унинг пора олгани тўғрисидаги далилий ашёлар топилди.

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди Ю.Исоқова ва унинг воситачиси М.Мақсудованинг ноқонуний қилмишини кўриб чиқди. Улар тегишли жазога тортилишди.

Ю.Исоқова мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона кадрлар сиёсати, таълим тизимидаги ислоҳотлар моҳиятини яхши англайдиган, уларнинг ижроси йўлида курашадиган киши бўла туриб, нега қинғир ишга қўл урди? Албатта, нафс қутқуси. Суднинг қора курсисида бошини эгиб, ўқувчилари, касбдошлари, маҳалла-кўй олдида юзи шувит бўлган бу кимса, пок виждон, чуқур билим талаб этиладиган касбга қадам қўяётган ёшларни бошиданоқ ғирромликка, масъулиятсизликка, жиноятга ундаётганини тушуниб етганмикан?

А.ҲОШИМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Қўқон шаҳар суди судьяси.

ОИЛА КУТУБХОНАСИ

# Фарзандингиз мутолаани ўрганганми?


Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Китоб инсониятнинг буюк кашфиётларидан бири, қолаверса, одамзотга берилган энг улуғ маънавий неъматдир.**

Унда инсон тафаккури ва қалби ҳақидаги энг теран билим, энг улкан тадқиқот мужассам. Инсонни ҳеч қайси фан бадиий асарчалик акс эттиролмайди, ҳеч қайси санъат тури адабиётчалик чуқур ва кенг тасвирлай олмайди, ҳеч қайси восита инсон руҳи ва хаёлига бадиий сўзчалик эрк беролмайди.

Бу эса, ўз-ўзидан эртанги кун эгаларининг китоб мутолааси билан машғул бўлиши, уларнинг китобга меҳрини ошириш учун нима қилиш керак, деган долзарб саволларга жавоб излашга мажбур этади.

Боланинг илк мутолаа қилган китоби унинг умр йўлида, ҳаётида туб бурилишлар ясаши мумкин. Демакки, болаларга китоб тортиқ қилишимиз учун ўзига хос мезонларга асосланишимиз керак.

Донолар бежиз болаликда олинган билимни тошга ўйилган битикка ўхшатишмайди. Болалигида китоб ўқиган фарзанд билан бундай маънавий неъматдан бебаҳра ўсган бола орасида катта фарқ бор, албатта. Фарзанднинг телевизор воситасида оламни танишидан кўра китобдан ўқиган маълумотлари асосида оламни билиши муҳимроқ. Чунки ёзилган матнни англаш, тушуниш жараёнида унинг тафаккури, қобилияти чиниқади, ақлий фаолияти муайян тизимга тушади. Бадиий ёки илмий китобларни ўқиган боланинг кўнгил кўзи очилади. Фақат суратларни кўриб, реал, аниқ чизилган нарсалардан хулоса чиқариш бошқа, кўрмай тасаввур, хаёлот ва тафаккур ёрдамида бошқа оламлар юзасидан муайян умумлашма — хулосаларга кела билиш бошқа. Кейингиси улуғроқ, улканроқ, маҳобатлироқдир.

— Хонадонимдаги кутубхонамда уч мингдан зиёд китоб бор, — дейди Миришкор тумани Помиқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Маҳтумқули номидаги маҳаллада яшовчи Абдунаби Абдиев. — Асосан, бу китоблар дунё адабиётининг дурдоналари, миллий адабиётимиз дарғаларининг асарлари. Шунингдек, ёш ижодкорларимизнинг илк китобчалари ҳам бор. Ноёб луғатлар ва машҳур адибларнинг ўзи ижод қилган тилдаги асарлари ҳам ўрин олган. Улардан мактаб ўқувчилари, қўни-қўшнилар фойдаланиб туришади.

Қайси оилада китобга беписанд қаралса, ўша оила болаларининг китобга меҳр қўйиши даргумон. Шу боис, фарзандларда китобга меҳр уйғотиш учун ота-оналарнинг ўзлари китоб мутолаа қилишлари керак.

— Биринчи ўқиган китобим «Робинзон Крузо»ни тез-тез эслаб тураман, — дейди профессор Баҳодир Каримов. — Чунки бу китоб ва унинг қаҳрамони болалик тасаввуримнинг бир қисмига айланган. Китоб мутолааси билан ўтказган кунларим, узоқ-узоқларга қилган саёҳатларим, Робинзонни ҳатто тушларимда асраб-авайлаганларим, унга дилдан ачинганларим, тирикчилик йўлида, тирик қолиш учун топган ҳар бир илинжи учун қувонганларим ҳали-ҳали мени тарк этгани йўқ. Кейинчалик «Робинзон Крузо»нинг иккита киноталқинини томоша қилдим. Барибир нимадир етишмайди. Китобдан олинган завқ ўрнини босди, деб айта олмайман. Болалар учун, энг аввало, ёшига мос китоблар ўқишни тавсия этган, ўқитган, ўқиб берган маъқул. Иккинчи синф ўқувчисига ишқий романларни тавсия қилиш бўлмайди. Ёш болаларга, албатта, эзгу, яхши, гўзал туйғуларни тарбиялайдиган эртак китобларни тавсия қилган бўлар эдим. Ўрта ёшлиларга лойиқ китоблар ҳам етарли. Энди балоғатга етиб, катта ҳаёт йўлига кирган ёшлар вақтини беҳуда ўтказмасдан ўзбек ва дунё адабиётининг энг нодир намуналарини ўқишлари лозим. Натижаси яхши бўлиши табиий. Ҳар ким ҳар хил йўсинда китоб ўқийди. Китоб ўқишда синовдан ўтган бир тажриба: ўқиган китоблари тўғрисида бир дафтарга қайдлар ёзиб бориши лозим. Тушунчаларини, фикр-мулоҳазаларини қайд этиш керак. Шунда фикрни равон баён қилиш малакаси юзага келади.

Китоб, аввало, бизни ўз кўнглимизга боқишга, ўз қалбимиз, хаёлимиз, эркимиз эгаси бўлишга ўргатади.

Мухтасар айтганда, китобхон болалар китобхон оилада вояга етади, улғаяди. Фарзандингизни мутолаага ўргатсангиз уни эзгу фазилатли кишилар билан дўстлаштирибгина қолмай, балки жамиятга нафи тегадиган, фикрловчи шахс тарбиялашга ҳам ҳисса қўшган бўласиз.

Нурилла ЧОРИЕВ
«Mahalla»

# Дунё бўйлаб

## Марафондаги портлаш

**АҚШнинг Бостон шаҳрида қўпорувчилик ҳаракати содир этилди, дейилади «Reuters» ахборот агентлиги тарқатган хабарда.**



Шаҳар кўчалари бўйлаб анъанавий югуриш мусобақасида қарийб 30 минг спортчи иштирок этган. Бироқ финиш чизиғи ёнида кутилмаганда содир этилган портлашлар оммани таҳликага солиб қўйди.

Дастлабки портлаш Бойлстон-стрит кўчасининг шимолий қисмида, финиш чизиғи ёнида содир бўлди. Бунинг оқибатида шу ерда жойлашган биноларга жиддий шикаст етди. Саноқли сониялар ичида шу туманда иккинчи портлаш рўй берди. Орадан анча вақт ўтиб учинчи портлаш ҳам кузатилган.

Бостон полицияси 3 кишининг қурбон бўлганини хабар берди. Улардан бири 8 ёшда. Жароҳатланганлар эса 150 кишига яқинлашиб қолган.

Ҳудуддан яна 5 та портловчи ускуна топилган ва зарарсизлантирилган. Ҳозирча портлашни ким содир этгани маълум эмас.

## Ёнғин оқибатида

**Мьянмада катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган Мандалай шаҳрида иккита даҳшатли ёнғин содир бўлди, дея хабар беради «Associated Press» ахборот агентлиги.**



Бунинг оқибатида 200 дан ортиқ турар-жой ёниб кул бўлган. Даҳшатли ёнғин ёруғида шаҳардаги уйларнинг аксарияти ёғоч ва бамбукдан қурилганини бемалол кўриш мумкин эди.

Қурбонлар ҳақида маълумот йўқ. Полиция ёнғин сабабларини аниқламоқда.

## Пенсионерлар кўпаймоқда

**Японияда бир йил ичида 65 ёшдан ошганлар сони бир миллионга кўпайиб, жами 30,8 миллион кишига етди.**



Бу эса, мамлакат аҳолисининг чорак қисмини ташкил қилади. Шу ҳақда Япония Умуммиллий ишлари вазирлиги хабар берди.

Японияда хорижликларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 127,5 миллион киши яшайди. Бир йил ичида бу кўрсаткич 280 минг кишига қисқарди. Пенсионерлар аҳолининг 24,1 фоизини ташкил қилади.

Жамиятнинг қариши фақат ижтимоий эмас, балки иқтисодий муаммога ҳам айланиб бормоқда.

**Интернет хабарлари асосида
Нилуфар ЮНУСОВА тайёрлади.**

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO»
МЧЖ АХБОРОТИ

«МАХАМ CHIRCHIQ» ОАЖ балансидаги 1998 й. и/ч, д/р 10/144SAA бўлган «ГАЗ-3102», 1995 й. и/ч, д/р 10/150SAA бўлган «ГАЗ-31029», 1996 й. и/ч, д/р 10/170SAA бўлган «ГАЗ-31029», 1996 й. и/ч, д/р 10/671RAA бўлган «ГАЗ-31029» русумли; «Марказий аэрогеодезия корхонаси» ДУК балансидаги 1983 й. и/ч, д/р 01/764ОАА бўлган «ГАЗ-53», 1978 й. и/ч, д/р 01/834ОАА бўлган «ГАЗ-5205 Р», 1980 й. и/ч, д/р 01/826ОАА бўлган «ГАЗ-6601», 1986 й. и/ч, д/р 01/827ОАА бўлган «ГАЗ-66-11», 1990 й. и/ч, д/р 01/839ОАА бўлган «ГАЗ-66» русумли автотранспорт воситалари аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

«ЎКТАМХОН НУР ЗИЁ»
Ўқув маркази ўқишга таклиф қилади!
Ҳар ойнинг биринчи кунидан янги гуруҳ очилади.

Аёллар астарлик костюм-шими 1-2 ой
Бисер тикиш 2 ой
Тўй ва оқшом либослари 1-2 ой
Сунъий гул 1 ой
Бичиш-тикиш, моделлаш 1 ой
Рус тили 3 ой
Малака ошириш 1 ой
Инглиз тили 3 ой
Ўзбек миллий таомлари 1 ой
Турк тили 3 ой
Уйғур таомлари 1 ой
Математика 3 ой
Аёллар сартарошлиги 3 ой
Тўқувчилик 3 ой
Тўй, оқшом турмаги, макияж 1 ой

Карвинг 3 ой
Гўзаллик салонига тайёрлаш 1 ой
Торт ва пишириқлар 2 ой
Элита пардалар тикиш 1 ой
Торт олий курси 1 ой
Элита пардалар олий курси 1 ой
Бухгалтерия ҳисоби 3 ой
Эркаклар сартарошлиги 2-3 ой
Тикувчилик 3 ой
Каштачилик, маш.вышивка 3 ой
Сарпо қути, саватлар ясаш 1 ой
Бисердан дарахт, гуллар ясаш 1 ой

ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИБ, САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ ОЛИНГ.

ЁТОҚХОНА МАВЖУД ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҲАР КУНИ

Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод 3-мавзе, 1-уй, 31-хона.
Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори бош томон орқасида.
Тел: +99871 221-77-72
+99894 678-50-30
Кундузги: +99871 221-17-95
Кечки: +99871 225-97-93

Филиал: Ҳамза тумани, Фарғона йўли, Қўйлиқ, 4-уй, 40-хона
Мўлжал: Қўйлиқ универсал савдо мажмуаси рўпарасида.
Тел: +99893 574-61-84
+99894 678-50-30
Кундузги: +99871 295-97-82
Кечки: +99871 225-97-93

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-39-89
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: У.Узоқова
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

23690 нусхада чоп этилди. Буюртма J-6938
Топшириш вақти — 21.30
Топширилди — 22.00